



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 13 апрель, № 74 (7854)

Сешанба

Сайтимиға Утиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНВЕСТИЦИЯ ВА ШАҲАРСОЗЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Тошкент шаҳрида 2021 — 2023 йилларда умумий қиймати 10,7 миллиард долларлик 1390 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва қарийб 98 мингта иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, жорий йилда жами 4,1 миллиард доллар инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

Биринчи чорақда пойтахтда 1,8 триллион сўмлик 130 та лойиҳа ишга туширилди ва 2 мингта янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, санаот йўналишида 55 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 63 та, уй-жой қурилишида 12 та лойиҳа амалга оширилди.

Тақдимотда йил якунига қадар амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Мисол учун, Мирзо Улугбек туманида йилга 110 минг тонна металлдан қўйма пўлат, арматура, угольник, швеллер каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этилади ва 200 та янги иш ўрни яратилади.

Йил якунига қадар қиймати 30 триллион сўмдан зиёд 847 та лойиҳани амалга ошириш ва қарийб 36 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида 2021 — 2023 йилларда 3 миллиард долларлик экспорт режалаштирилган. Жорий йилнинг ўзига умумий қиймати 800 миллион доллардан зиёд бўлган санаот маҳсулотлари, қарийб 70 миллион долларлик мева-сабзавотни экспорт қилиш кўтилмоқда.

Давлатимиз раҳбари режалаштирилган кўрсаткичлар билан чегараланмасдан, қўшимча лойиҳаларни кўпайтириш, экспорт таркибини диверсификация қилиш ва ҳажмини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда, шунингдек, Андижон шаҳри яқинида қурилиши режалаштирилган "Янги Андижон" тураржой массивининг бош режаси ҳақида ҳам маълумот берилди.

Андижон — мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган шаҳарлардан. Шаҳарнинг ўзига ривожланиш учун бундай йўл.

Умумий майдони қарийб 4 минг гектар бўлган янги шаҳарнинг бош режасига кўра, у 1439 гектар турли қурилмалар, яъни уй-жой, савдо масканлари ва кичик санаот зонаси, 1820 гектар яшил ҳудуд, 223 гектарлик хизмат кўрсатиш ҳудуди ва 499 гектар йўللardan иборат бўлади.

Энг муҳими, бу массив аҳоли уйлари бўлмаган, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган бўш майдонда барпо этилади. Тураржой массиви қурилиш натижасида 411 минг нафар аҳоли яшашни мумкин бўлган янги шаҳарга пайдо бўлади.

Президент лойиҳа билан танишиб, уй-жойларни пухта ва сифатли лойиҳалаштириш, уни амалга оширишда маҳаллий мутахассисларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, унда имкон қадар кўпроқ яшил ҳудудлар, боғ ва уябонлар ташкил этилишини, аҳолининг дам олиши ва меҳнат қилиши учун қўлай шароитларни назарда тутиш бўйича топшириқлар берди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ II ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бахшичилик санъатини республика ва халқро микёсда кенг тарғиб қилиш, Халқро бахшичилик санъати фестивални республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида мавхуд бўлган ўзига хос ижро услублари асосида ижодий мактабларни "Устоз — шогирд" анъаналари асосида қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йилда Нукус шаҳрида II Халқро бахшичилик санъати фестивалини (кейинги ўринларда — Фестиваль) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон қарори билан тасдиқланган Халқро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (А.Н.Арипов):

- а) Фестивални Қорақалпоғистон Республикасида юқори ташкилий даража ва бадий савияда ўтказиш бўйича зарурий ўзгаришларни амалга оширсин;
- б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси билан келишилган ҳолда: Халқро бахшичилик санъати фестивалини келгусида

босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларида ўтказиш чораларини кўрсин; санитария-эпидемиологик вазиятни инобатга олган ҳолда жорий йилдаги Фестиваль ҳамда келгусидаги Халқро бахшичилик санъати фестивалларини ўтказиш муддатини белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлариغا иловага мувофиқ ўзгаришларни амалга оширсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 10 апрель

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯСИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР БОШЛАНДИ

БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси томонидан Президент Шавкат Мирзиёев Бош Ассамблеянинг 75-сессиясида илгари сурган Оролбўйи минтақасини "экологик инновациялар ва технологиялар зонаси" деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюция лойиҳасини келиштириш бўйича маслаҳатлашувлар бошланди.

Биз ва жаҳон

Видеоконференция шаклида ташкил этилган тадбирда БМТга аъзо давлатларнинг турли минтақавий гуруҳлари, жумладан, Осиё — Тинч океани минтақаси, Европа, Лотин Америкаси ва Шимолий Америка мамлакатлари миссиялари экспертлари иштирок этди. Маслаҳатлашувлар доирасида Ўзбекистон вакиллари томонидан ушбу ташаббуснинг мазмун-моҳияти, мақсадлари ва долзарблиги баътаъриф баён қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларини Марказий Осиё мамлакатларининг Орол денгизининг қуриши ортдан юзага келган экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларни юмшатишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қақирувчи ушбу ҳужжатнинг аҳамиятига эътибор қаратилди.

жаш технологияларини кенг қўламда жорий қилиш, чўлланиш жараёни ва экологик миграциянинг олдини олиш учун умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилганлиги таъкидланди. Музокаралар доирасида иштирокчилар ҳўжат мазмун-моҳияти бўйича ўзаро фикр алмашди. Делегациялар Ўзбекистон ташаббусини юқори баҳолади. Ушбу ҳўжат БМТ доирасида ўз вақтида тақдим этилгани, унинг Марказий Осиё мамлакатлари ва бутун дунё учун жуда муҳимлиги таъкидланди. Музокаралар чоғида сўзга чиққан мутахассислар Орол денгизи ҳавзасидаги оғир аҳолининг гуманитар, экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари минтақадан ташқарида ҳам таъсир кўрсатаётгани ва глобал муаммога айлангани ҳақида сўз юритиб, минтақа давлатларининг ушбу инқирознинг салбий таъсирини бартараф этиш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Резолюция экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга ҳоржзий инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай шарт-шароит яратиш "яшил иқтисодиёт", энергия ва сувни те-

«Дунё» АА. Нью-Йорк

ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ «GSP+» ДАСТУРИГА АЪЗО БЎЛДИ

Бу қандай имкониятлар беради?

Европа Иттифоқи (ЕИ) чўқур ислохотлар ва демократик ўзгаришларни амалга ошираётган Ўзбекистонга катта қизқиш билан қарамоқда. Мамлакатнинг халқро тузилмаларга интеграциялашуви ҳамда Европа ҳамжамияти билан муносабатларини чўқурлаштиришга ҳар томонлама қўмақ кўрсатмоқчи. Зотан, ўзаро манфаатли алоқаларнинг бугунги юксак даражасини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳар доимгидан ҳам долзарбдир.

Давлат дастури — амалда



Янги экспорт бозорларига чиқиш — устувор мақсад

Шу нуқтан назардан олиб қаралса, кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тез фурсатда қабул қилиш, мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлаш масалалари бу борада устувор аҳамиятга эга.

Савдони либераллаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ва инвестицияларни қўқайтиришга тўқсизлик қилаётган говларни бартараф этиш, бозорларга чиқиш масалаларида ҳамкорлик механизмлари ҳам муҳим вазифалардан саналади.

лотларни Европа бозорига бож тўламасдан олиб кириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, биргина тўқимачилик маҳсулотларининг йиллик экспортини 300 миллион долларга ошириш учун шароит яратди

Бинобарин, янги экспорт бозорларига чиқиш ҳўқуматнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши белгилаб берилди. Бу борада жорий йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда ЕИ билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фойдалантириш, "GSP+" тизими доирасидаги имтиёزلарни мамлакатимизда самарали қўллаш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш масаласи устувор йўналишлар қаторида кўрсатиб ўтилди.

Муҳим тарихий воқеа

Шу маънода, жорий йилнинг 10 апрелидан Ўзбекистон учун ЕИнинг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими ("GSP+") кўчга киришини муҳим тарихий воқеа сифатида эътироф этиш мумкин. Унга кўра, Ўзбекистон мазкур тизимга Преференциялар бош тизими ("GSP+") доирасида бенефициар мамлакат сифатида қабул қилинди. Бу ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда муҳим босқич бўлиб, томонлар ўртасидаги мулоқотни ҳамда савдо алмашинувини янада чўқурлаштиришга имкон беради. Ушбу сана ЕИ ва Ўзбекистондаги қўллаб-қувватдор томонлар, жумладан, маҳаллий ҳўқимият органлари, ишбилармонлар доиралари ҳамда фуқаролик ҳамияти ташкилотлари билан шерикликда янги йўлнинг бошланиши демакдир.

6

Парламент комиссияси

ИНСОН ҲЎҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида инсон ҳўқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди.

Онлайн тарзда ташкил этилган ййгилишда Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Парламент комиссияси раиси А. Саидов инсон ҳўқуқлари соҳасида халқро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси фаолияти ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Инсон ҳўқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ва унинг "Йўл харитаси" бандларининг ҳамда БМТнинг Инсон ҳўқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларация қондаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури

тайёрланиб, уларни қабул қилиш жараёни амалга оширилмоқда.

Тадбирда БМТнинг Инсон ҳўқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларация қондаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастурининг 24 та бандидан 11 та бандида белгиланган вазифалар ўз муддатида тўлиқ бажарилиши таъминланган.

Иштирокчиларга олиб борилган ишлар билан бир қаторда, айрим йўл қўйилган камчилик ва муаммолар ҳақида ҳам маълумот берилди.

2

БИРГАЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Кеча Халқро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда видеоконференция шаклида "Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси натижалари юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоева кириш сўзи билан иштирок этди. Соҳада амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокамага бағишланган ушбу тадбирда ХМТ бош директорининг ёрдамчиси Х. Коллер, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Д. Розенблюм,

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Х. Фрейзер қатнашди. Ўзбекистон ХМТ билан ҳамкорликда 2013 йилдан бошлаб юртимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, фуқароларнинг меҳнат ҳўқуқларини ҳимоя қилиш борасида яқин ҳамкорликда қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

3

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ОНЛАЙН УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазир Имрон Хон 14 апрель куни видеоанжуман шаклида учрашув ўтказдилар.

Тадбир кун тартибидан икки томонлама амалий шериклик ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари ўрин олган. Асосий эътибор Трансафгон темир йўлини қуриш лойиҳасини биргаликда илгари суриш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, икки мамлакатнинг етакчи корхона ва компаниялари ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш, авиақатновларни тиклаш, ҳудудларо алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувларни ривожлантиришга қаратилди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари халқро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиб, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқадилар.

Саммит якунида сийсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва таълим соҳаларига оид қатор қўшма ҳўжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ЎзА.

Ўзбекистон — Покистон: Кўп асрлик алоқаларни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари

Покистон харид қобилияти паритетига кўра (2019 йил) аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот қўлами бўйича дунёда 24-ўринда турувчи ривожланаётган санаотлашган аграр мамлакат ҳўсбланади. Бугунги кунда ушбу давлат XXI асрда дунёдаги энг йирик иқтисодиётлардан бири бўлишга интилаётган ва улкан салоҳиятга эга ўн бир мамлакат қаторидан жой олган.



Дўстлик ришталари

Мамлакат салмоқли ижтимоий-сийсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ва инсон салоҳияти, қўлай геосийсий жойлашуви ва мувоzanатли ташқи сийсати туфайли бугунги кунда минтақавий сийсатда ҳамда долзарб халқро масалаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда. Покистон билан кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш бугунги кунда ўз тараққийотининг янги тарихий босқичида турган Ўзбекистон манфаатларига жавоб беради. Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам таъкидлаб ўтилган.

Бугун икки давлат ўртасида самарали мулоқот яратилиши ва уни мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. XVI асрда замонавий Покистон, Хиндустон, Бангладеш ва Жануби-Шарқий Афғонистон ҳудудида ўзбек халқининг буюк аждоди Заҳриддин Муҳаммад Бобур асос солган кудратли салтанатининг барпо этилиши маданиятлар ва маънавий қадриятларнинг ўзаро таъсир ўтказишига асос бўлди. Тарихдан мерос қолган бой мада-

ний-тарихий ва илмий-маърифий бойлик бугунги ва келажак авлодларнинг абадий мулки бўлиб қолади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Покистон пойтахтларида икки давлат элчихоналари фаолият юритиб, 1992 йил май ойида ўрнатилган ўзаро ҳамкорликнинг изчил ривожланишига қўмақлашмоқда. Мамлакатларимиз парламентларида дўстлик гуруҳлари ташкил этилган, турли даражадаги сийсий мулоқотлар мунтазамлик касб этган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017-2018 йилларда халқро тадбирлар (ШХТ) ва Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти саммитлари) доирасида Покистон Президенти Мамнун Ҳўсайн ва Бош вазир Навоз Шариф билан ўтказган учрашувлари ҳам шундан далolat беради. 2019 йилнинг апрель ойида Пекинда "Бир макон, бир йўл" халқро форумида ва шу йилнинг июнь ойида Бишкекда ШХТ давлат раҳбарлари саммитининг Ўзбекистон раҳбари Покистоннинг амалдаги Бош вазир Имрон Хон билан учрашди.

2

«MASDAR» МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ШАМОЛ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ ҚУВВАТИНИ ОШИРМОҚЧИ

Бирлашган Араб Амирликларининг қайта тикланувчи энергия манбалари билан шуғуланувчи "Masdar" компанияси ўзбекистонлик ҳамкорлар билан шамол электростанциясини қуриш лойиҳаси қувватини 1,5 ГВтга ошириш юзасидан келишувга эришди.

Келишув

Мазкур электростанция нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги энг йирик мажмуа бўлиши ҳамда бунинг учун 600 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция жалб қилиниши кўтилмоқда.

Ишлаб чиқариш қувватини ошириш борасидаги мазкур келишув Ўзбекистон билан 500 МВт қувватга эга шамол электростанциясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича аввалроқ имзоланган икки томонлама келишувларга асосланади.

— Ўзбекистондаги мазкур лойиҳа ҳамкорликдаги имкониятларимизни кенгайтиради, — дейди БАА санаот ва илғор технологиялар вазирини, табиат ўзгариши бўйича махсус вакил Султон Ол Жабер. — Зарафшондаги 500 МВт қувватга эга станция 2024 йилнинг якунига қадар ишга туширилиши режалаштирилган. Натижада 500 минг ўй ҳўжалиги электр энергияси билан узлуксиз таъминланади.

Кайд этиш жоизки, ўтган йили "Masdar" компанияси

Лойиҳа Жаҳон банкнинг Халқро молия корпорацияси, Осиё тараққийот банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққийот банки маблағлари ҳўсбига молиялаштирилди.

1,5 ГВт қувватга эга лойиҳа тўлиқ амалга оширилган, Ўзбекистоннинг электр энергиясига бўлган талабининг 15 фоизи қопланади ва 2,2 миллион тонна карбонат ангидрид чикидиси ҳавога чиқарилишининг олди олинади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Покистон:

КЎП АСРЛИК АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ



Жорий йил февраль ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон юқори даражадаги учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлган Покистон Бош вазирининг маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довудни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган музокараларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни турли йўналишларда ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

Мамлакатлар халқро майдонда бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШХТ ва Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг изчил ривожланиши икки мамлакатнинг узок муддатли манфаатларига жавоб беради, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, коммуникация ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсади.

Афғонистоннинг яқин қўшнилари бўлган, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилган бирдек манфаатдор Ўзбекистон ва Покистон афғон муаммосини фақат БМТ шафелигида тинч сиёсий музокаралар ва қарама-қарши томонларнинг муросига келиши орқалигина амалий ҳал қилиши мумкин, деган фикрда яқдилди.

Бугунги кунда Тошкент ва Исломобод Қобул билан уш давлатнинг манфаатларига ўла жавоб берадиган қўшма иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ана шундай лойиҳалардан бири — бу Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар трансфтон темир йўлининг қури-

лиши бўлиб, унинг янги Ипак йўлининг бир қисмига айланиш истиқболлари амалий мазмун касб кетмоқда.

Оқорида кайд этилганидек, февраль ойи бошида Тошкентда Ўзбекистон, Покистон ва Афғонистон делегациялари, шунингдек, халқаро молия институтлари вакиллари иштирокида ўзаро лойиҳани муҳокама қилиш учун юқори даражадаги учрашув ўтказилиб, унинг якунида мазкур йўналишдаги қўшма тадбирлар режаси қабул қилинди.

Албатта, мамлакатларимиз ўртасида тўридан-тўри транспорт йўлагининг қурилиши ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Улар бугунги кунда ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Хусусан, 2020 йил якунига қўра, Ўзбекистондан маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича савдо ҳамкорлари орасида Покистон 13-ўринни эгаллади. Утган йилда ўзаро савдо кўрсаткичи 123,3 миллион долларга етди, унда мамлакатимиздан экспорт 98,5 миллион долларни ташкил этди.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлараро комиссияси ҳамда қўшма ИШБилармонлар кенгаши икки томонлама ҳамкорлик масалаларида самарали платформалар бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик қўламини да янги ўсиш нуқталари пайдо бўлмоқда. Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда Покистон капитални иштирокидаги қўшма ва хорижий корхоналар сони қарийб икки баробар кўпайди. Бугунги кунда республикада савдо, енгил санаят, қўғоз, чарм ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби соҳаларда муваффақиятли фао-

лият кўрсатаётган корхоналарнинг сони 140 дан ортққ бўлиб, шундан 4 таси 100 фоиз хориж капитал асосида ташкил этилган. Ўзбекистон иқтисодийётига Покистон инвестицияларининг умумий ҳажми 11 миллион доллардан ошди.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор

Умурзоқов бошчилигидаги делегациянинг 2020 йил сентябрь ойида Покистонга амалга оширган ташрифи чоғида бу борадаги ўзаро муносабатларни кенгайтириш, шунингдек, транспорт ва логистика ҳамкорлигини жадаллаштиришнинг муҳим масалалари муҳокама қилинди. Исломободда Покистон Бош вазири Имрон Хон, турли вазирлик ва идоралардан икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдаги яна бир муҳим воқеа — яқинда Покистоннинг Панжоб вилояти губернатори Мухаммад Сарвар Чандурчи бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга сафари бўлди.

Ушбу ташриф чоғида Панжоб ва Наманган вилоятлари ўртасида минтақаларо ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Икки вилоят ўртасида

биродарлик муносабатлари ўрнатиш тўғрисида битим имзоланди, “Наманган — Панжоб” биринчи минтақаларо бизнес форуми, “B2G” ва “B2B” шаклларида музокаралар ўтказилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Покистон халқларининг тарихий алоқалари, муштарак маънавий қадриятлари бунда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида ўшбу йўналишдаги алоқалар кенгайди. Бунда фан ва маданият вакилларининг ўзаро ташрифлари алоҳида ўрин тутмоқда. Хусусан, Покистон — Ўзбекистон иқтисодий ва маданий алоқалар маркази тақлифига биноан ўзбек шоирлари ва ёзувчилари делегациясининг Лаҳорга ташрифи чоғида ўзбек тили курслари ташкил этилди. Марказ раҳбари Маҳмуд Али Баттининг сўзларига қўра, покистонликлар ўзбек тилини катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

Ўзбекистонда фаолият юритиб келаётган “Ўзбекистон — Покистон” дўстлик жамияти икки халқ ўртасидаги маданий-маърифий

санъаткорлар Самарканд шаҳридаги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўз навбатида, Покистонда Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, бошқа буюк аллома ва мутафаккирлар ҳаёти ҳамда ижодида бағишлаб ўтказилаётган илмий-амалий анжуманларда Ўзбекистонлик мутахассислар аънавий тарзда маърузалар қилади.

Сўнгги йилларда мамлакатларнинг туризм, жумладан, зиёрат туризми соҳасидаги салоҳиятини инобатга олган ҳолда, мазкур йўналишдаги икки томонлама ҳамкорликка бўлган ўзаро қизиқиш тобора ортиб, истиқболли соҳага айланмоқда.

2019 йилда ўшбу мамлакатда Ўзбекистон сайёҳлик ахборот маркази очилди, ўтган йили Нақшбандия тарикатининг издоши Ҳасиб ур-Раҳмон Ўзбекистоннинг Покистондаги зиёрат туризми элчиси этиб тайинланди. Шу ўринда қайд этиш жоиз, пандемиядан аввал Ўзбекистон ҳар йили беш мингдан зиёд сайёҳ ва зиёратчилар келган. Пандемия бўлишига қарамастан, 2020 йилда мамлакатимизга Покистондан қарийб минг нафар сайёҳлар сёҳат қилди.

Икки томонлама ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва қарийб 30 йиллик муносабатларнинг натижалари савдо-иқтисодий, сармоявий ва транспорт-логистика соҳаларидаги алоқаларни янада кенгайтиришнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон ва Покистон мавҳуд салоҳиятини ишга солган ҳолда нафақат пандемия билан боғлиқ глобал инқироз ҳодисаларининг иқтисодий оқибатларини муваффақиятли бартараф этишга, Балки Марказий ва Жанубий Осиёнинг иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Шу нуқтаи назардан, давлати-муносабатлари ташаббуси билан жорий йил Тошкентда ўтказилиши режалаштирилаётган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” юқори даражадаги халқаро конференция икки ва кўп томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш учун самарали платформа бўлиши кутилмоқда. Унинг натижалари яқин ҳамкорлик қилиш ва долзарб кун тартибининг стратегик мазмундаги аниқ лойиҳалар билан тўлдириб ўшбу мустаҳкам концептуал ечимларни ишлаб чиқишга ёрдам бериши мўқаррар.

«Дунё» АА.

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ГИГИЕНАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасининг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар” мавзусида дағир суҳбати ўтказилди.



Депутатлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Санитария-гигиена ва касб касалликларини илмий-тадқиқот институти мутасаддилари, экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисида”ги конвенциясини Ўзбекистон Республикасини томонидан миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш имкониятларини ўрганиш натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Халқаро меҳнат ташкилотининг 187-сонли конвенциясининг асосий мақсади ишлаб чиқаришда шикастланишлар, касбий касалликлар ва инсонлар ўлимнинг олдини олиш учун доимий равишда меҳнат хавфсизлиги ҳамда гигиенасини тақомиллаштиришдан иборат. Ушбу ҳужжат ХМТнинг устувор конвенцияларидан бири ҳисобланиб, унга биноан миллий қонунчиликда иш берувчилар ва ишчиларнинг энг эътиборли ташкилотлари билан келишган ҳолда миллий сиёсат, миллий тизим ҳамда миллий дастур ишлаб чиқиш орқали касб касалликларини, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва инсонлар ўлимнинг олдини олиш мақсадида меҳнат хавфсизлиги ҳамда гигиенасини доимий равишда тақомиллаштиришга кўмаклашиш назарда тутилди.

Ҳозирги кунга қадар ўшбу конвенция 49 та давлат, шу жумладан, МДҲ мамлакатларидан Қозғоғон Республикаси ва Россия Федерацияси томонидан ратификация қилинган.

Депутатлар қайд этганидек, конвенция қонунларининг аксарияти миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 211-моддасига биноан барча корхонада хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилиши кераклиги белгиланган, буни бажариш иш берувчининг мажбуриятига юклатилган. “Меҳнат ташкилотининг 187-сонли конвенциясининг 23-моддасида иш берувчининг меҳнатни муҳофазасига қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари акс этган.

Иштирокчиларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон ХМТнинг ўшбу конвенциясини ратификация қилишга тайёр ва бу келгусида меҳнат хавфсизлиги ҳамда гигиенасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, мазкур йўналишдаги ишлар натижадорлигини янада оширишга замин яратади.

Давра суҳбати якунида Халқаро меҳнат ташкилотининг 187-сонли конвенциясини ратификация қилиш масаласини ўрганиш натижалари юзасидан қўмитанинг ҳулосасини Ҳукуматга тақдим этишга келишиб олинди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда қуйи палатанинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳамкорлигида эшитув ўтказилди.

Унда халқ вакиллари қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари ҳамда Кадастр агентлигининг ахборотини тинглади.

Ҳисоботда келтириб ўтилганидек, Президентимизнинг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги ерларининг аниқ ҳисоби йўритилишини ва янгилаб борилишини таъминлаш, ҳар бир дала контури кесимида маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида 2019 йилдан ҳисобот даврига қадар Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 28 372,2 кв.км. майдонда аэросуратга олиш ишлари бажарилган. Жорий йил якунига қадар қолган барча ҳудудда бу ишларни якунлаш режалаштирилган.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларининг аниқ ҳисоби йўритилишини ва янгилаб борилишини таъминлаш, ҳар бир дала контури кесимида маълумотлар базасини шакллантириш бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига 63 та туманда хатлов ишлари якунланиб, электрон хариталари тўзилган. Йил якунига қадар эса қолган туманларда хатлов ишлари тугатилиб, ягона электрон Геопорталга жойлаштирилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини йўритиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ер ресурсларини бошқариш соҳасида олиб борилаётган ишлар ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Қайд этилишича, давлат ер кадастрини йўритишда кўп мақсадли ер маълумотларининг автоматлаштирилган янги тизими (Ергеопортал)ни яратиш бўйича Корея Республикаси халқаро “KOICA” жамғармасининг грант маблағлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо

вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланган. Ва унинг доирасида инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилган.

“KOICA” мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ 2019 йил 27 ноябрь — 6 декабрь кунлари мамлакатимизда бўлиб, “Корея Республикаси тажрибаси асосида кўп мақсадли ер маълумотлар базасини яратиш ва техник қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш имкониятларини ўрганиш ҳамда техник иқтисодий салоҳиятини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Тадқиқот натижалари 2020 йилда белгиланган тартибда маълум қилиниши билдирилган бўлса-да, пандемия сабабли дунёда юзага келган ҳолат муносабати билан ҳозирги кунга қадар Корея томонидан расмий жавоб берилмаган.

Итилганида қайд этилдики, сув истеъмолчиларининг сувдан фойдаланиш жойларида сувни бошқариш ва хўшоб-га олиш воситалари билан босқичма-босқич ҳолатларини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 22 майда тегишли қарор қабул қилинган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан 2021 йилда жами 353,1 минг гектарда сув тежовчи технологияларни, жумладан, 318,4 минг гектар ерда томчилатиб, 30,5 минг гектар майдонда ёмғирлатиб ва 4,2 минг гектарда дискрет сугорғи тизимини жорий қилиш бўйича қурувчи пулдат корхоналари билан шартномалар расмийлаштирилган. Мазкур шартномаларга асосан бугунги кунда 183,8 минг гектар майдон молиялаштирилган бўлиб, қурувчи-пулдат корхоналари томонидан 185,4 минг гектар майдонда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган.

Итилганида кун тартибидидаги масала юзасидан қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Видеоконференция йиғилишида Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Ш. Бафоев Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция қондаларини бажариш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Учинчи — Ун иккинчи даврий маърузаларини қўриб чиқиш якунлари ҳамда БМТ Ирқий камситишни тугатиш бўйича қўмитасининг якуний мулоҳазалари ва тавсияларини бажариш юзасидан 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси ижроси юзасидан ахборот берди.

Тадбир давомида Олий суд, Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Маждбурий ижро бюроси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларининг кун тартибида кўрилатган масалалар бўйича ахбороти тингланди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан Парламент комиссиясининг тегишли баённомаси тузилди.

«Халқ сўзи».

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛДИ

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Фарғона вилояти “Она ва бола” скрининг маркази директори Манзура Салимованинг ташаббуси билан Кува туманида аҳоли учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. Негаки, бугун тумандаги “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг 273 нафари тиббий ҳимояга эҳтиёжли ҳисобланади.

Сенатор ва ҳаёт

Вилоят “Она ва бола” скрининг маркази, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси худудий филиали билан ҳамкорликда “Чилон” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган тиббий кўрик аёллар ҳамда ёшларимизнинг ўз саломатлигини текширувдан ўтказиш ва назоратга олишда муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқларда бундай тиббий кўриқлар мунтазам ўтказиб турилиши жуда муҳим, — дейди сенатор. — Чунки аёлларимизнинг барчасини ҳам ўз саломатлигига эътиборли деяр олмаймиз. Бунга оилалардаги етишмовчилик, фуқароларнинг ўзидики лояқатлик ва “ўтиб кетади” қабилидаги беписандлик кайфияти сабаб бўли-

ши мумкин. Оқибати эса барчага аён. Тиббий кўрик жараёнида невропатолог, эндокринолог, акушер-гинеколог, терапевт, педиатр, неонатологларнинг иштироки, УТТ аппарати ёрдамида текширув ўтказилгани уларнинг саломатлигидаги ўзгаришлар, яширин касалликларни аниқлашга ёрдам берди. Жами 250 нафарга яқин фуқаролар текширувдан ўтказилди. Тиббий ёрдамга муҳтожларга зарур муолажалар тайинланди. Бу жараёнда аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган санитария-гигиена қондаларига ҳам тўлганча риоя этиш масалаларида муаммолар беришди. “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси худудий филиали то-

монидан аҳолига бегул дори-дармонлар тарқатилди.

Шунингдек, сенатор томонидан туманда маҳаллабўй кесимида ўрганиш олиб борилди. Ўз навбатида, фуқаролар муносабатларини тинглаш, ҳонадонлардаги маънавий-ижтимоий муҳитни барқарорлаштириш мақсадида учрашувлар ўтказилди.

Мулоқот давомида аҳоли томонидан кўпалаб муносабатлар бўлди. Масалан, Чилон кўчасида яшовчи фуқаро Ю. Исмонова фарзанди саломатлигини тиклашга ёрдам сўраб, мурожаат этди. Бундан 4 йил илгари аёлнинг ўғли А. Исмонов автоҳалокат оқибатида соғлигини йўқотганди. Эндиликда унга тиббий муолажалар зарур. Мазкур мурожаат сенатор томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва амалий ёрдам бериладиган бўлди.

Қамола ПОЛВОНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти кенгаши матбуот котиби.

БЮРОКРАТИЯ, САНСАЛОРЛИК ВА БОШҚА МАЪМУРИЙ ТЎСИҚЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Президентимиз раҳбарлигида шу йил 3 март куни уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишда қайд этилганидек, Халқ қабулхоналарига фуқаролардан тушган мурожаатларнинг 10 фоизидан ортиги, яъни 100 мингдан зиёди айнан уй-жой масаласи билан боғлиқ.

Муносабат

Ҳисоб-китобларга қўра, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун йилига камда 100 — 150 мингта уй-жой қуриш керак бўлади. Биргина жорий йилда 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш зарурати мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони шу йўналишдаги масалалар ечимида муҳим ўрин тутади.

Унда уй-жой қурилиши учун давлат томонидан ҳам аҳолига, ҳам қурувчиларга катта имтиёзлар берилиши кўзда тутилган. Масалан, кўп квартиралли уй-жойлар

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг қишлоқ жойларида (шаҳарларга ва туман маъмурий марказларига туташ ҳудудларда) қурилади.

Молия вазирлиги тижорат банкларига пул маблағларини ҳамда тижорат банклари аҳолига ипотека кредитларини 6 ойлик имтиёзли давр билан (мижознинг хоҳишига қўра) 20 йил (йигирминчи йилни ҳам қўшган ҳолда) муддатга ажратади.

Шаҳар ва қишлоқ жойларда ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадал сотиб олингандаги квартира қийматининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Бунда даромади юқори бўлмаган, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларга ипотека кредити бўйича дастлаб-

ки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорда ажратилади.

Жорий йилда “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ иштирокида қишлоқ жойларида 8 минг 340 та, “Ушзахар қурилиш инвест” ИК” МЧЖ иштирокида 3 минг 550 та квартиралар иборат бўлган кўп қаватли уйлар қурилиши белгиланди.

Яна бир янгилик шуки, шу йил 1 июндан бошлаб ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фойз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун субсидия тўлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади. Тегисли вазирликларга субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш ҳамда субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаларини бериш жараёнилари муддатини етти кунгача қисқартириш ва тўла автоматлаштириш вазифаси юклатилди.

Фармон билан Олий Мажлис Сенатининг ижтимоий ҳамкорлигини янада кучайтириш, компенсация ва субсидиялар ҳамда давлат томонидан тақдим этила-

диган бошқа имтиёзларни адолатли тақсимлаш, улардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳудудларда сенатор, депутат ва жамоат фаоллари иштирокида “Халқпарвар” комиссияларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланди.

Бу тузилмага маҳаллий ҳокимликлар ҳамда маъсул давлат идораларининг уй-жой қуриш учун ер участкаларини ажратиш, қурилиш ишларини вақтида ва сифатли амалга ошириш, субсидия тўланадиган фуқароларни танлаш, уй-жойга эҳтиёжи бўлган фуқаролар рўйхатини шакллантириш фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда бу жараёнда бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чораларни амалга ошириш юклатилди. Бу эса биз, сенаторлардан ҳам катта масъулият талаб этади.

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ ДЎСТЛИГИ

Европа ҳамда Осиёни боғловчи муҳим бўғинга айланмоқда

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида турибди. Бу давр ичида давлатимизда, минтақада, дунёда кўп нарсалар ўзгарди. Хозирги кунда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча жабҳасида кенг миқёсли ислохотлар амалга оширилмоқда, янги Ренессанс гоёяси шаклланмоқда.

Нуктаи назар

Ўз навбатида, хозирги замон глобал ривожланиш нуктаи назаридан мамлакатимиз замонавий халқаро муносабатлар ва сўбатнинг фаол иштирокчисига айланган, "тез ўсиб бораётган минтақавий масъулиятли давлат" мактабига эга бўлди. Бу ислохотлар, бир томондан, ижтимоий йўналишларни, қўлама, қамрови, суръати билан олдингилардан кескин фарқ қилган, иккинчи томондан, халқаро вазият тез-тез ўзгариб, зиддиятли ҳолатлар тобора кучаяётган, айниқса, пандемия туфайли жаҳонда аҳоли мураккаблашган бир даврда амалга оширилмоқда. Учинчидан, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ички ва ташқи сўбат соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар ривожланган Европа давлатларида ҳам жиддий эътибор уйғотмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ дунё давлатлари билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Венгрия 1991 йил 26 декабрь кuni Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олган ва мамлакатимизнинг Европа йўналишидаги вақт синовидан ўтган ишончли шерикларидан бири ҳисобланади. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 3 март кuni ўрнатилган.

Ўзаро ҳамкорликнинг янги дари

Венгрия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги муҳим шериги ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг 2019 йил 15 октябрь кuni Боку шаҳрида Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши саммити доирасидаги самарали учрашуви икки давлат ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб берди.

Шубҳасиз, ўзаро ҳамкорликнинг янги даври Шавкат Мирзиёевнинг президентилик даври билан боғлиқ бўлмоқда. Ўзбекистонда 2016 йилдан бундан амалга оширилаётган оқибат, амалий ва прагматик ташқи сўбат ўзаро манфаатли алоқалар ҳамда муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш ва ривожлантириш учун янги имкониятларни, механизмларни, воситаларни очди.

Янги Ўзбекистонга шу йилнинг март ойида Венгрия расмий делегациясининг амалга оширган тарихий ташрифи икки давлат ўртасида мавжуд алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда аввал эришилган келишувлар ижросини таъминлаш, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишга қаратилган 16 та

этиш учун кучли импульс берди. Икки давлат ўртасида имзоланган ҳужжатлар кенг қамровли бўлиб, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олади ва бугунги тез ўзгараётган шароитда кенг қўлама ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар, шарт-шароитлар яратди. Икки давлатнинг ўзаро муносабатлари ривожига янги туртки беради. Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг муҳим омилига айланган.

Янги босқиндаги муносабатларда давлати тенденциялар кузатишмоқда. **Биринчидан**, Ўзбекистон ва Венгрия олий ҳамда юқори даражада доимий сиёсий мулоқотлар олиб бормоқда. Икки давлат

вожлантириш учун катта имкониятларни вужудга келтирмоқда. Қайд этиш керакики, мамлакатимизда бугунги кунда Венгрия сармоядорлари иштирокида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасида, меҳмонхона хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, улгурчи савдо йўналишларида 10 та корхона фаолият юртимокда.

Венгрия Бош вазирининг расмий ташрифи доирасида икки мамлакат Ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтгани, унда Венгриянинг 40 га яқин компания ва молиявий тузилмалари раҳбарлари қатнашганлиги ўзаро ҳамкорликда иқтисодий йўналиш устуворлигини тасдиқлайди.

маданий омиллар ҳам катта роль ўйнайди. Жумладан, венгриялик олим Вамберининг Марказий Осиёга қилган сўбати асосида яратилган "Бухоро тарихи ёки трансаксония" ва "Ўрта Осиё бўйлаб сўбат" асарлари бугунги кунда ҳам Европада, хусусан, Венгрияда Марказий Осиё давлатлари тарихи, гео-сиёсий аҳамияти, маданий, тарихий, иқтисодий жараёнларга таъсир этган омилларини ўрганишда муҳим манба ҳамда қўлама бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, ушбу асарларда Марказий Осиё халқларининг яшаш тарзи, давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши, диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳамда иқтисодий муносабатларнинг ўзига хослиги,

нашр этилди. Президент Шавкат Мирзиёев ўзбек ва венгер халқлари ўртасидаги тарихий дўстликнинг ёрқин ифодаси бўлган ушбу китобни Венгрия Бош вазири Виктор Орбанга тақдим этди.

Шарқшунос олим, ёзувчи ҳамда таржимон Вамбери ўз эсдаликларидан Исҳоқ Иброҳим ҳақида фикр билдирар экан, "У жуда тўғри ва камсўқум инсон эди. Унинг фарзанди ва соғдлик муносабати менга ҳавфли ва азобли сўбатида куч қувват бағишлади", деб ёзган эди. Бу билан у нафақат хоразмлик дўстига, балки бугун ўзбек халқига ҳурмат-эҳтиромини, ишонч ҳамда меҳр-муҳаббатини ифодалайди.

Икки халқ ўртасида ана шу хурмат-эҳтиром, ўзаро ишонч бугун яна кенг қулоқ ёзиб, мамлакатлараро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоқиб бўлаётди.

Ўзаро ҳурмат, ишонч ва самара
Венгрия делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида оқибат ва амалий руҳда бўлиб ўтган музокара натижасида икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги қўша декларация, шунингдек, турли вазирлик ҳамда идоралар ўртасида кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қаратилган 10 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди.

Улар Худудлараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Ташқи ишлар идоралари ўртасида 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан Венгрия Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги ўртасида аниқлашув меморандуми, Меҳнат муносабатлари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Атом энергетика соҳасида кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик тўғрисида, Инновациялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида аниқлашув меморандумлари, Маданият соҳасида ҳамкорлик дастури,



ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди. Ўзаро алоқаларнинг кенгайишида парламентлараро ҳамкорлик ва ички мамлакат қонун чиқарувчи органларида ташкил этилган дўстлик гуруҳлари муҳим роль ўйнамоқда.

Иккинчидан, икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларда савдо-иқтисодий муносабатлар, сармоялар олиб кириш устунлик қилмоқда. Замонавий қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва туризм соҳасидаги алоқалар кенгайиб бормоқда. Шунингдек, иқтисодийнинг бошқа соҳаларида қўша лойиҳалар амалга оширилмоқда. Венгрия етакчи компанияларининг илғор тажрибаси ва замонавий технологияларини жорий этган ҳолда қўша инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ҳамда уларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қўйиб бормоқда.

Учинчидан, Венгриянинг фармацевтика компаниялари орқали Ўзбекистонга замонавий Европанинг сифатли дори-дармон ва тиббиёт жиҳозларини ишлаб чиқариш саноати қирғи келди ҳамда жаҳон бозорига рақобатбардор дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш учун катта имкониятларни вужудга келтирмоқда.

Икки халқни боғлаган қадриятлар

Маданий гуманитар соҳадаги ришталар ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Бинобарин, таълим, илм-фан, маданият, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор ўзбек ва венгер халқларини тарихан ўзаро яқинлаштирган, боғлаган муштарак қадриятлардир.

Венгер санъаткорлари ва илм-фан намояндalари юртимизда ўтказган "Шарқ тароналари", Халқаро бахшичилик санъати, Халқаро хунарманчилик фестиваллари ҳамда улар доирасида ўтказилаётган илмий анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Венгрия олимлари икки давлат тарихи ҳамда маданиятини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришда яқиндан ҳамкорлик қилаётди.

Таълим соҳаси Ўзбекистон — Венгрия алоқаларининг истиқболли йўналиши сифатида кенгайиб келмоқда. Бугунги кунда ушбу мамлакат таълим муассасаларида 60 нафар Ўзбекистон фуқароси таҳсил оляпти.

Албатта, икки томонлама алоқаларнинг ривожланишида тарихий

одамларнинг юксак маданияти, тарбия ва таълим тизими бевосита кузатувлар ҳамда таҳлил асосида очиб берилгани уларнинг аҳамиятини янада оширади.

Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқлари, шунингдек, чет мамлакатларга ҳам сафарларига Вамберига ҳамроҳлик қилган Исҳоқ Иброҳим бир умр унинг дўсти ҳамда шогирди бўлиб қолди. У шарқшунос олим Вамбери билан Хива шаҳрида XIX асрнинг 60-йилларида танишди ва Венгрияга келди. Салкам ўттиз йил Будапештда яшаб, илмий фаолият олиб боради. Венгрия Фанлар академиясининг Шарқ кўлэмалари бўлимида ишлади, венгрияликларга ўзбек ҳамда бошқа турк тилларини ўқитади. Европанинг илмий доираларида катта обрў-эътиборга эга бўлади.

Исҳоқ Иброҳим ўзбек халқ мақоллари, эртак ва топшмоқларини венгер тилига таржима қилиб, Венгрия Фанлар академиясининг филология бўлими томонидан нашр этилган "Тилшунослик ахбороти"га эълон қилди. У машҳур венгер ёзувчиси Янош Ароннинг "Ажойиб оҳунинг ҳикояти" асарини ўзбек тилига ўғирди. Ушбу асар яқинда давлатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан Тошкентда

оқибат ва амалий руҳда бўлиб ўтган музокара натижасида икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги қўша декларация, шунингдек, турли вазирлик ҳамда идоралар ўртасида кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қаратилган 10 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди.

Улар Худудлараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Ташқи ишлар идоралари ўртасида 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан Венгрия Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги ўртасида аниқлашув меморандуми, Меҳнат муносабатлари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Атом энергетика соҳасида кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик тўғрисида, Инновациялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида аниқлашув меморандумлари, Маданият соҳасида ҳамкорлик дастури,

Демак, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи жуда самарали бўлди. Пандемияга қарамай, Венгриядан шундай катта делегациянинг Ўзбекистонга келгани икки юрт ўртасида ҳурмат, ўзаро ҳамкорлик истиқболларига ишончнинг юқори даражасида эканлигини далолатлади.

Сойфиддин ЖўРАЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори,
сиёсий фанлар доктори.

БИРГАЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Ушбу йўналишдаги сўбат-ҳаракатларнинг тизимли йўлга қўйишда юртимизда давомий меҳнат бўйича мамлакат дастурийнинг қабул қилиниши ва бажарилиши муҳим аҳамият касб этди. Дастур доирасида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш масалаларида оид миллий қонунчиликни тақомиллаштириш, халқаро меҳнат нормаларини амалиётга татбиқ этиш

борасида кенг қўламли ишлар қилинди. Ўзбекистон шу кунга қадар Халқаро меҳнат ташкилотининг 17 та конвенцияси, хусусан, 8 та асос солувчи конвенциясини ратификация қилди. Биргина 2020 йилда меҳнат соҳасига оид миллий қонунчиликнинг янада тақомиллаштириш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига тўқил барҳам беришга қаратилган 16 та

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялаш мақсадида доимий равишда мониторинг ишлари, қолаверса, парламент назорати йўлга қўйилди. Аҳоли орасида уларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Анжуманда "Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича 2014 — 2020 йиллар-

га мўлжалланган мамлакат дастури" доирасида амалга оширилган ишлар тақдимоти ўтказилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Жорий йилда ХМТ билан "Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган мамлакат дастури"ни қабул қилиш ва амалиётга татбиқ этишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Кўп йиллик ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

Президентимизнинг 2018 йилдаги фармонлари билан қабул қилинган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида ўтган даврда мамлакатимиз бўйлаб минглаб иморатлар қайта қурилди. Бу нафақат шаҳар ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини, балки юртдошларимизнинг кўнгилларини ҳам обод қилаётди. Мисол учун, ўтган тўрт йилда 140 000 та уй-жой барпо этилди, 1 200 та маҳалла ва қишлоқдаги шароитлар яхшиланди.

Акс садо

Мамлакатимиз раҳбарининг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўша чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳужжатларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, иккинчи соҳа объектларини ривожлантириш ва шу асосда аҳолининг фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Ушбу ҳужжат фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishi, оилаларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Айниқса, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, электр таъминотини, жумладан, трансформаторлар ва нимстанциялар ҳолатини яхшилаш, аҳолига газ ёқилғиси узлуксиз етказиб берилишини ташкил этиш, ички автомобил йўллари, пивёда йўллари, транспорт тўхташ бекатлари ҳамда бошқа йўл инфратузилмасини қуриш, реконструкция қилиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилиши минг-минглаб фуқароларимизнинг дилдаги гап бўлди.

Эндиликда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари шу каби ишлар билан биргаликда, ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширади.

Қарорга мувофиқ, дастурлар доирасида ижтимоий соҳа, ичимлик суви таъминоти, оқова сув тизими ҳамда йўл-транспорт инфратузилмаси объектлари учун ажратилган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари Вазириятлари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги "Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" жамғармалари орқали молиялаштирилади.

Аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши, янги тураржой ҳа-

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорвачилик соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси", Ирригация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳақли битимлардир.

Шундай қилиб, ўзаро алоқаларнинг стратегик даражага чиқishi мамлакат ташқи сўбатининг янги босқинда катта дипломатик ютуғи ҳисобланади ва икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги даврини бошлаб беради. Гап шундаки, аввало, бундай кенг қамровли ўзаро стратегик ҳамкорлик Европа давлатлари орасида биринчи бўлиб Венгрия билан эришилди. Бугунги кунда бундай муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш учун барча шароит яратилган.

Икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, икки мамлакатнинг ўзига хос ўхшаш жиҳатлари, Венгриянинг Марказий Европада, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда жойлашганлиги, шунингдек, Венгрия Европа давлатлари учун Ўзбекистонга, ўз навбатида, Ўзбекистон Венгрия учун Марказий Осиё мамлакатлари бозорига кўприк ва зифасини бажариш истиқболлари ҳамкорликни янги ютуқлар билан тўлдирishi кафолатлайди.

Бу ҳолат Европа давлатларида Ўзбекистонга нисбатан муносабатнинг кескин иқобий томонга ўзгарганлигини яна бир бор ифодалайди, шу билан бирга, бошқа давлатлар билан ҳам ҳамкорликни ана шундай даражага чиқаришга ўзига хос эшик очди.

Шубҳасиз, ривожланган давлатлар, айниқса, европаликларда Ўзбекистонга нисбатан ишончнинг ортаганлиги юртимиз тараққиотининг янги даври учун ўзига хос ва мос хусусият бўлиб, бу мамлакатимизнинг дунёга интеграциялашувиغا янги импульс беради. Бу ҳолат, ўз навбатида, ўзбек — венгер муносабатларининг янги йўналишларини топишга, янада туширишга имкониятларни янада кенгайтиради.

Венгрия Бош вазирининг сўзи билан айтганда, *оқилна сўбат ва қатъий эътиборга товар айирбошлашда ўзинга эришилмоқда. Президент Мирзиёевнинг ташаббуслари билан ҳамкорликнинг янги йўналишлари очилмоқда. Бир нечта "флагман" лойиҳалар самарали амалга оширилгани учун ишбилармонлар эркинлик ва ишончли ҳис этиб, ҳаракат қилмоқда.*

Демак, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи жуда самарали бўлди. Пандемияга қарамай, Венгриядан шундай катта делегациянинг Ўзбекистонга келгани икки юрт ўртасида ҳурмат, ўзаро ҳамкорлик истиқболларига ишончнинг юқори даражасида эканлигини далолатлади.

Сойфиддин ЖўРАЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори,
сиёсий фанлар доктори.

ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН ҚУРАШАМИЗ

Дунёдаги бугунги вазият ҳар биримиз пандемия шароитида яшаш ва ишлашга ўрганишимизни тақозо этмоқда. Бинобарин, карантин талабларига риоя қилган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий фаол ҳаётни давом эттириш ҳар доимидан ҳам муҳимдир.

Эзгу ташаббус

Президентимиз деярли барча чиқишида мазкур тамойиллар долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаб келмоқда. Хусусан, яқинда аҳоли саломатлигини сақлаш ва қоронавирусга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси орасидадан ўтказилган видео-селектор йиғилишида "Афсуски, бу балонинг охири кўринмапти. Европа давлатлари яна лоқдунга қиряпти. Қўшилариимизда ҳам аҳоли яшати эмас. Ҳавф ёнимизда юрибди. Шунинг учун оғоҳ бўлишимиз керак. Олдин қандай ишлаган бўлсак, шу тартибни тиклаймиз. Худо кўрсатмасин, шунча қилган ҳаракатимиз бекорга кетиши мумкин. Иқтисодий нуктаи назаридан жуда катта марралар кўйганмиз. Агар ёпилиб қолсак, бу натижаларга эришолмаймиз. Ҳеч қачон ёлмаймиз, лексин тартиб-тўғриликни кучайтираемиз", дея бежиз таъкидламади.

Унда жорий йил бошида кунига ўртача 30 — 40 нафар қоронавирусни юқтириб олган бемор аниқланган бўлса, март ойи охирида ушбу кўрсаткич 160 — 190 нафарни ташкил қилгани, ҳатто ўлим ҳолатлари кузатилаётгани ҳам қайд этилди. Нега бундай бўляпти?

Кўпчилик фуқаролар хотиржамликка берилиб, тиббий нуктаи назар, ижтимоий масофани сақлаш, анти-септик воситалардан фойдаланиш, санитария қоидаларига амал қилиш каби карантиннинг энг муҳим талабларига бефарқ бўлиб қолгани бунинг асосий сабаби сифатида кўрсатиб ўтилди.

Дарҳақиқат, лоқайдлик энг хавфли дўшмандир. Ҳўш, ана шу иллатни қандай қилиб йўқотиш мумкин? Қоронавирусга қарши курашишнинг энг самарали йўли борми?

Жавоб аниқ: билим, жисмоний маданият ва профилактика тадбирлари ҳар қандай касалликни енгиб ўтишда қудратли қуролдир. Турмуш тарзимизда айнан шу тушунчалар ҳамоҳанглик касб этса, нур устига нурдир. Зеро, бу аҳоли ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш ҳамда юксалтириш, санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Пировадиди COVID-19 деган "кўринмас бало"нинг ҳам ўз-ўзидан илдизи қирқилади.

Бу борада жамиятда тарғибот тадбирларини янгича ва интерфаол шаклларида олиб бориш, мазкур жараёнларда, энг аввало, маърифатга, билимга суниши кўзланган на-тижаларга эришиш имкониятларини кескин оширади. Мамлакатимиз зиёлилари ушбу долзарб масалага бефарқ эмасликлари, бу борада ўз гоёлари ва амалий ҳаракатлари билан бевосита иштирок этиб келаятгани барчамизни қувонтиради.

Самарқанд давлат университети жамоаси яқинда ана шундай эзгу ташаббус билан чиқди. Яқин гапнинг қаноти бор, деганларидек, мазкур тақлиф вилоят ҳокимлиги ва олий ўқув юртлиари, хусусан, Самарқанд ветеринария медицинаси институти томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. У қандай ташаббус дерсис?

Гап шундаки, академик, СамДУ профессори Бакридин Зарипов томонидан вилоятдаги мактаб ўқувчилари ўртасида пандемия даврида ўқиш, яшаш кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган, қоронавирус ҳамда унинг оқибатларини бартафат этиш мавзусида "Билимдонлар ва зукколар" беллашувини ўтказиш тақлифи илгари сурилди. Бу гоё университет раҳбарияти ва жамоаси томонидан қизгин қутиб олинди, вилоят бўйича тезда амалга оширишга келишиб олинди. Унга кўра, беллашув СамДУ профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида дастлаб Қўшарбўт туманида мактаблараро ўтказилиши белгиланди.

«... билим, жисмоний маданият ва профилактика тадбирлари ҳар қандай касалликни енгиб ўтишда қудратли қуролдир. Турмуш тарзимизда айнан шу тушунчалар ҳамоҳанглик касб этса, нур устига нурдир. Зеро, бу аҳоли ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш ҳамда юксалтириш, санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Пировадиди COVID-19 деган "кўринмас бало"нинг ҳам ўз-ўзидан илдизи қирқилади».

— Аҳоли, айниқса, улғайиб келаятган ёш авлод, хусусан, ўқувчи ва талабалар ўртасида қоронавирус биологияси, пандемия ҳамда унинг хавфи, жамият ҳаёти, мамлакат иқтисодиётига etkazadigan салбий таъсири ҳақида тушунчаларни қанча эрта сингдириш, шунча яқин, — дейди академик Б.Зарипов. — Масалан, муҳим томони шундаки, мактаб ва олий ўқув юртлиари дастурларида вируслар ҳақида ало-

ҳида мавзулар киритилиб, ўрганиб келинмоқда. Шу маънода, қоронавирус пандемияси ва унинг олдини олиш ҳақида интеллектуал ўйинлар ва маданий тадбирлар ўтказсақ, ҳам ўқувчиларнинг билимини оширамиз, ҳам тарғибот-профилактика тадбирлари ҳамда муносиб ҳисса қўшамиз, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги чора-тадбирлар самардорлиги ошишига замин яратилади. Шунингдек, "тождор ёв"га қарши ижтимоий ҳамжихатлик ҳам кучаяди.

Қувонарлики, мактаблар ва олий ўқув юртлиари ўртасида "Билимдонлар ва зукколар" беллашув ўтказилиши нафақат ҳамкасбларимиз,


тиббий-биологик билимини ошириш, уларнинг онгига хозирги мураккаб даврда соғлом ақл билан олға интилиш бўи офатни енгишнинг қудратли воситаси эканлигини янада чуқур сингдиришди. Зера, айрим ёши катталар ўқувчилардан, баъзи ота-оналар фарзандларидан ўрнак олиб, тиббий никоиб тақдаслик, ижтимоий масофани сақламаслик, антисептик воситалардан фойдаланмаслик каби одатларидан воз кечишса, кўзланган мақсадга эришган бўламиз, албатта.

Зеро, бундай усул дунёдаги энг илгор давлатлардан бири Сингапурда ўзининг ижобий самараларини берган. Мамлакатни ҳар томонлама обод қилган раҳбар — Ли Куан Ю таъкидлаганидек, "Одамлардаги кўпқамалдорлаштиришга нисбатан эътиборсизликни йўқотиш учун мактабларда болаларни

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ, КЎЗ ЧИҚАРИШ ҲАНГОМАСИ

ёхуд Мутал Бурхонов уй-музеи нега «Обод маҳалла» дастури доирасида обод бўлмай қолди?

Яқинда сайтимизда атоқли бастакор, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мукафоти эгаси Мутал Бурхонов уй-музеига доир мақола эълон қилинган. Унда ушбу маскан жойлашган бино олдидаги кўнглини хира этадиган манзара тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтилган эди. Шундан сўнг бизда уй-музеига кириш қисмидаги нохуш ҳолат, унинг сабабларини чуқурроқ ўрганиш фикри туғилди.



Ниятлар яхши эди, албатта. Негаки, мақсад амалга ошса, давлатимиз мадҳияси мукафоти эгасининг уй-музеи янада обод бўлар, сайёҳлик объекти саналган бу гўша фойдаланишга қўйиларди. Аммо...

Таассуф

Аниқланишича, бу маскан 2018 йилда Бухоро давлат музей-қўриқонаси томонидан жорий таъмирланган ва моддий-техника базаси мустаҳкамланган. Жумладан, у замонавий витриналар, компьютер жамламаси, совиткин, пулт, видеокузатув мосламалари билан таъминланди. Бинога кириш қисмида брусчаткали йўлак, ногиронлиги бўлганлар учун йўлакча, металл ушлагич, шийпон, светодиодли тартибот таблицаси ўрнатилди, шунингдек, ҳавоза янгиланди. Бу ишларга 18 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Бизга уй-музей филиали мудири С. Қобилов тақдим қилган 2018 йилда олинган суратларга боқиб, чиндан ҳам, маскан атрофи ободонлаштирилганини, ён-атроф саранжом-сарилта, кўркам қиёфа касб этганини кўриш мумкин.

Аммо орадан кўп вақт ўтмай музей олдидаги брусчаткали йўлак, металл ушлагич, шийпон бузиб ташланди. Электр энергияси тармоғи кесилди. Бу шаҳардаги Фафур Фулом, «Турки Жаңди» МФЙлари қаторида М. Бурхонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг «Обод маҳалла» дастурига киритилганидан сўнг рўй берди.

Чунончи, Бухоро шаҳар ҳокимининг 2019 йил август ойидаги фармойишига кўра, Баҳоуддин Нақибанд кўчасидаги 182/1-уйда жойлашган Мутал Бурхонов уй-музеи таъмир-

ланадиган бўлди. Қурилиш-таъмирлаш ишларида шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси буюртмачи этиб белгиланди. Мазкур бошқарма зиммасига бир қатор вазифалар, жумладан, объектда қурилиш-монтаж ишлари сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш масъулияти юкланди.

Яна бир фармойиш билан уй олдида дам олиш маскани қуриш, ҳатто уй-музей ёнида бастакор ҳайкални ўрнатиш вазифаси ҳам қўйилди. Буюртмачи билан пудратчи ташкилот — «Феруз — Фаррух инвест» масъулияти чекланган жамияти ўртасида шартнома тузилди. Ҳар иккала фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш эса ўша пайтда шаҳар ҳокимининг ўринбосари вазифасида ишлаётган Ҳ. Жумаев (айни пайтда у шаҳар ҳокими) зиммасига юкланди.

Ниятлар яхши эди, албатта. Негаки, мақсад амалга ошса, давлатимиз мадҳияси мукафоти эгасининг уй-музеи янада обод бўлар, сайёҳлик объекти саналган бу гўша фойдаланишга қўйиларди. Аммо...

Шу икки фармойиш ҳамда вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган манзилли рўйхат асосида «Феруз — Фаррух инвест» МЧЖ томонидан уй-музейни жорий таъмирлаш ишлари қурилиши қилинди. Мазкур ташкилот ишчилари лойиҳада кўзда тутилган юмушларни бажариш мақсадида

Маълум бўлишича, нафақат бастакор уй-музеи, балки М. Бурхонов номи билан аталуви маҳаллада ҳам «Обод маҳалла» дастурида кўзда тутилган баъзи ишлар чала бажарилган. Чунончи, Кўксарой кўчасидаги бир қатор кўп қаватли тураржойларда бино фасад қисми ва уй том қопламалари таъмирланмаган.

Дароқе, шаҳар ҳокими фармойишида кўзда тутилган М. Бурхонов ҳайкалини ўрнатиш масаласи ҳам ечимини топганича йўқ. Ажаблანарлиси, шаҳар ҳокими фармойишида ҳайкал ўрнатиш ҳақида сўз боради. Амалда эса «Феруз — Фаррух инвест» МЧЖ уй-музеи ҳовлисида М. Бурхонов бюстини ўрнатиш учун Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош, яққа тартибдаги тадбиркор Бекмурод Ҳакимов билан 2019 йилда шартнома тузган. Ваҳоланки, ҳайкал билан бюст ўртасида анча-мунча фарқ бор. Ҳайкалтарош ҳам шартнома шартлари бажарилишига ишониб, ижодий ишга киришган. Аммо орадан бир йилдан зиёд вақт ўтса ҳамки, молиялаштиришдан дарак йўқ.

Биздаги маълумотларга қараганда, бюст учун 50 миллион сўм, уй-музей атрофини ободонлаштириш учун эса 600 миллион сўм маблағ ажратилиши керак эди. «Наҳотки Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, Давлат мадҳияси мукафоти эгаси Мутал Бурхонов бюсти ва уй-музейини ободонлаштириш учун бир йилдан буён шу маблағ топилмаган» дейди ўзининг ёзма мурожаатида ҳайкалтарош.

Юқоридагилардан кўринадики, бу ҳолга уй-музейнинг ҳам, маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳам дахли йўқ. Ҳамма гап «Обод маҳалла» дастури доирасидаги ишларнинг чала бажарилганида. Шундай экан, ҳақли савол туғилади:

«Обод қишлоқ» дастури амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2019 йил 15 апрелдаги йиғилиши баёни ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро шаҳар ҳокими томонидан қабул қилинган иккита фармойиш ижроси нега таъминланмади?

Қош қўяман деб, кўз чиқариш-ни эслатувчи ҳолат юзага келган учун ким масъулиятни ўз зиммасига олади? Бу саволларга буюртмачи ташкилот — шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ҳамда Бухоро шаҳар ҳокимлигидан жавоб кутиб қоламиз.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

Таълим АНВАР ОБИДЖОН НОМИДАГИ МАКТАБ ОЧИЛДИ

Олтириқ туманининг Файзиобод қишлоғида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон номидаги нодавлат таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Тадбиркор томонидан эски мактабнинг фойдаланилмайдиган бўш биноси «ноль» қийматида олиниб, 1,5 миллион сўм маблағ сарфланиши ҳисобига қулай шарт-шароитлар яратилди. Эзгу ташаббусни рўёбга чиқариш учун тадбиркорга тижорат банки томонидан 1 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

— 250 ўринга мўлжалланган хусусий мактабда келажагимиз ворислари 5 та хорижий тил ҳамда аниқ фанлар бўйича мукамал ўқитилади, — дейди ушбу таълим маскани директори Дилфўз Содикова. — Шунингдек, мактабда ўқувчиларни адабиётга қизиқтириш мақсадида ардоқли ижодкорларимиз номида турли тўғараклар ташкил этиш режалаштирилган.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»)

Барча ташкилот, муассаса, хўжалик раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

сизни қизиқтирган йўналишлар бўйича битираётган ёш мутахассисларга бўлган эҳтиёжлар ҳамда шакллантириш бўлимига юборишнингизни сўрайди. Қўшимча маълумотлар учун телефон: 71-244-79-27, факс: 71-244-79-17. Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсिमлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи Ш.Хусайнов. Тел.: 97-167-77-17 www.tkti.uz, e-mail: marketingtkti@gmail.com, info@tkti.uz, Telegram: @tkti_market

2020/2021 ўқув йилида Тошкент кимё-технология институтини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот

| № | Коди | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар номи | Жами битирувчилар сон | Худудлар | | | | | | | | | | | | | | Хорижий талабалар |
|---------------------|----------|---|-----------------------|------------------------------|------------------|----------------|----------------|-------------------|----------------|------------------|-------------------|-----------------|--------------------|-----------------|---------------|-----------------|----------------|-------------------|
| | | | | Қорақалпоғiston Республикаси | Андронод вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Қашқадарё вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сирдарё вилояти | Сурхондарё вилояти | Тошкент вилояти | Тошкент шаҳри | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | |
| Бакалаврият | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | 5111000 | Касб таълими (ишлаб чиқариш ва маҳсулот турлари бўйича) | 45 | | 1 | | | 14 | | | | 2 | 2 | 6 | 19 | 1 | | |
| 2 | 5230200 | Менежмент (кимё ва озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича) | 25 | 1 | | 2 | | 3 | 2 | | | 1 | | 3 | 11 | 1 | | |
| 3 | 5310900 | Метрология, стандартиштириш ва маҳсулот сифати менежменти (кимё ва озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича) | 51 | 1 | | 2 | 1 | 2 | 4 | | 1 | | | 7 | 32 | 1 | | |
| 4 | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича) | 62 | | | 5 | 2 | 10 | 1 | | 2 | | 8 | 9 | 23 | 2 | | |
| 5 | 5320300 | Технологик машина ва жиҳозлар (кимё саноати бўйича) | 45 | | | | | 8 | | | 2 | 1 | 3 | 7 | 21 | 3 | | |
| 6 | 5320300 | Технологик машина ва жиҳозлар (озик-овқат саноати бўйича) | 33 | | | 2 | | 3 | | | 1 | 1 | 1 | 7 | 16 | 1 | | |
| 7 | 5320300 | Технологик машина ва жиҳозлар (целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича) | 12 | | | | | 1 | | | 1 | | | 1 | 7 | 1 | | |
| 8 | 5320300 | Технологик машина ва жиҳозлар (ёғочсозлик технологияси бўйича) | 6 | | | | | 1 | | | | | | 1 | 2 | 2 | | |
| 9 | 5320400 | Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) | 98 | 1 | 2 | 2 | 1 | 20 | | | | | 4 | 16 | 43 | 7 | | |
| 10 | 5320400 | Кимёвий технология (асосий органик синтез кимёвий технологияси бўйича) | 78 | 4 | 1 | 1 | 1 | 25 | 1 | | | | 3 | 12 | 27 | 1 | | |
| 11 | 5320500 | Биотехнология (озик-овқат, озука, кимёвий маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги бўйича) | 67 | | | | | 1 | 1 | | | | 1 | 10 | 51 | 1 | | |
| 12 | 5321000 | Озик-овқат маҳсулотлари технологияси (канд ва бизғиш маҳсулотлари бўйича) | 20 | | | | | 3 | | | | | | 4 | 13 | | | |
| 13 | 5610102 | Хизматлар соҳаси (овқатлантиришни ташкил этиш ва сервис бўйича) | 36 | 1 | | | 2 | 2 | | | 2 | | 1 | 6 | 22 | | | |
| 14 | 5321000 | Озик-овқат технологияси (гўшт-сут ва консерва маҳсулотлари бўйича) | 34 | | | | | 1 | | | | 1 | | 1 | 28 | 1 | | |
| 15 | 5321000 | Озик-овқат технологияси (дон маҳсулотлари бўйича) | 22 | | | | | | | | | | 3 | 3 | 13 | 2 | | |
| 16 | 5321000 | Озик-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари бўйича) | 37 | | 1 | | | 1 | | | | 1 | | 2 | 27 | 3 | | |
| 17 | 5321000 | Озик-овқат технологияси (нон, макарон, қандолатчилик маҳсулотлари бўйича) | 17 | | | | | | | | | | | 2 | 14 | 1 | | |
| 18 | 5321000 | Озик-овқат технологияси (озик-овқат хавфсизлиги бўйича) | 34 | | | | | 1 | | | | 1 | 2 | 4 | 26 | | | |
| 19 | 5321300 | Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси | 178 | 2 | 4 | 6 | 8 | 20 | 3 | 1 | 2 | 5 | 11 | 21 | 78 | 14 | | |
| 20 | 5321800 | Резина техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси | 33 | | | | | 3 | | | 1 | | | 5 | 24 | | | |
| 21 | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси | 18 | | | | | 2 | | | | | | 1 | 14 | 1 | | |
| 22 | 5640200 | Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги | 24 | | | | | | | | | | 1 | 5 | 17 | | | |
| ЖАМИ | | | 975 | 10 | 9 | 20 | 15 | 121 | 12 | 1 | 15 | 14 | 38 | 133 | 528 | 39 | | |
| Магистратура | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | 5A230201 | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 5 | | | | 1 | 1 | | | | | | | 3 | | | |
| 2 | 5A310901 | Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (тармоқлар бўйича) | 9 | | | | | 1 | | | | | | | 8 | | | |
| 3 | 5A310902 | Метрология, стандартиштириш ва сифатни бошқариш (тармоқлар бўйича) | 7 | | | | | 1 | | | | | | | 6 | | | |
| 4 | 5A311001 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича) | 9 | | | | | 3 | 1 | | | | | 1 | 4 | | | |
| 5 | 5A320305 | Кимёвий саноат ва қурилиш материаллари қорхоналарининг машиналари | 5 | 1 | | | | | | | | | | 2 | 2 | | | |
| 6 | 5A320306 | Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш технологияси ва жараёнлари | 6 | | | | | | | | | | | | 6 | | | |
| 7 | 5A320307 | Ёғочга ишлов бериш технологияси ва ёғочшунослик | 8 | | | | | 2 | | | | | | 1 | 5 | | | |
| 8 | 5A320311 | Озик-овқат саноати машиналари ва агрегатлари | 7 | | | | | 2 | | | | | | | 5 | | | |
| 9 | 5A320401 | Ноорганик моддалар технологияси (ноорганик моддалар технологияси бўйича) | 12 | | | | | 3 | 1 | | 1 | | | 2 | 4 | 1 | | |
| 10 | 5A320401 | Ноорганик моддалар технологияси (минерал ўғитлар кимёвий технологияси бўйича) | 6 | | | | | 2 | | | 1 | | | 2 | 1 | | | |
| 11 | 5A320401 | Ноорганик моддалар технологияси (камёб тарқок металллар технологияси бўйича) | 8 | | | | 1 | 1 | | | | | | 5 | 1 | | | |
| 12 | 5A320402 | Органик моддалар технологияси (органик моддалар кимёвий технологияси бўйича) | 14 | | | | | 4 | | 1 | 1 | | | 2 | 6 | | | |
| 13 | 5A320402 | Органик моддалар технологияси (ноозик органик моддалар кимёвий технологияси бўйича) | 10 | | | | | 2 | 1 | | 1 | | | 3 | 3 | | | |
| 14 | 5A320404 | Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси | 7 | | | | 1 | | | | 1 | 1 | | 3 | 1 | | | |
| 15 | 5A320405 | Юкори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси | 10 | | | | | 2 | | 1 | | | | 7 | | | | |
| 16 | 5A320407 | Кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари (ишлаб чиқариш тури бўйича) | 10 | | | 1 | | 1 | | | 1 | | | 2 | 4 | 1 | | |
| 17 | 5A320409 | Электромеханик ишлаб чиқариш технологияси | 5 | | | | | 1 | | | | | | 2 | 1 | 1 | | |
| 18 | 5A320501 | Биотехнология (маҳсулот тури бўйича) | 18 | | | | | 2 | | | | | | 1 | 13 | 2 | | |
| 19 | 5A321001 | Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (солот, пиво ва алкогольсиз ичимликлар технологияси бўйича) | 5 | | | | | | | 1 | | | | 1 | 3 | | | |
| 20 | 5A321001 | Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (виночилик саноати ишлаб чиқариш технологияси бўйича) | 8 | | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | 5 | | | |
| 21 | 5A321001 | Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (консерванланган озик-овқат маҳсулотлари ва гўшт, сут маҳсулотлари технологияси бўйича) | 12 | | | | | | | | 1 | | 1 | 2 | 8 | | | |
| 22 | 5A321001 | Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (дон ва дон маҳсулотлари технологияси бўйича) | 20 | | | | | 1 | 6 | | | | | 2 | 9 | 2 | | |
| 23 | 5A321001 | Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (ёғни қайта ишлаш технологияси бўйича) | 6 | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | 3 | | | | |
| 24 | 5A321003 | Озик-овқат хавфсизлиги | 30 | | | 1 | 2 | 9 | | | 2 | 1 | 2 | 13 | | | | |
| 25 | 5A321302 | Нефть ва газни қайта ишлаш ва кимёвий технологияси | 22 | | | 2 | | 3 | 1 | | 1 | | 2 | 9 | 3 | 1 | | |
| 26 | 5A321303 | Нефть ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва аппаратлари | 4 | | | | | 3 | | | | | | 1 | | | | |
| 27 | 5A321401 | Кимёвий ва нефть-газ кимёвий технологиялар | 4 | | | | | 2 | | | | | | 2 | | | | |
| 28 | 5A321801 | Резина техника буюмлари ишлаб чиқариш технологияси | 3 | | | | | 2 | | | | | | 1 | | | | |
| 29 | 5A610101 | Хизматлар соҳаси (овқатланиш қорхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш) | 6 | | | 1 | | | | | | | | 1 | 4 | | | |
| 30 | 5A630101 | Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича) | 2 | | | | | | | | | | | | | | | |

ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ «GSP+» ДАСТУРИГА АЪЗО БЎЛДИ

Бу қандай имкониятлар беради?



Пировардида Ўзбекистон энди ЕИГА қатор маҳсулотларни имтиёзли шартларда етказиб бериши мумкин. Чунки «GSP+» дастури ЕИ бозорларига ривожланиётган мамлакатлардан келаятган қишлоқ хўжалиги ва бошқа айрим турдаги маҳсулотлар экспортига берилган имтиёз саналади. Унга аъзо бўлган давлат ЕИ бозорларига 3 мингта яқин маҳсулотларни боғжона тўловларисиз, 3 200 турдаги маҳсулотларни эса пасайтирилган ставкалар бўйича экспорт қилиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу имтиёзли тартиб, шунингдек, Франция ва Ўзбекистон компанияларининг фаол ҳамкорлиги орқали янги Ипак йўлининг ривожланишига ёрдам беради ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик учун янги истиқболларни очади.

Нидерландиянинг «Солинта» компанияси икки директори Карл Рентес эса Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги ҳамкорлик қўламини бу борадаги кенгайтириш ўзаро алоқалар мазмун-моҳиятини бойитиши, янги марраларни эътибор қаратади.

«Ўзбекистон «GSP+» бенефициари макomini олгани тарихий воқеа бўлиб, мамлакат тараққиётидаги янги муҳим босқични бошлаб берди — дейди у. — Шу маънода, тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин, «GSP+» макomini Ўзбекистонга ЕИ билан нафақат савдо, балки технологиялар, билим ва малакаларни алмашиш соҳасида ҳам улкан имкониятларни очади».

Гувоҳи бўлганингиздек, юқоридаги янгиликдан ҳар икки томон вакиллари ҳам бирдек нафатдордир.

Масъулиятли маком берилишининг асл сабаби нимада?

Ҳўш, ЕИ қайси омилар асосида республикамизга «GSP+» бенефициар мамлакат макomini бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилди?

Жавоб аниқ: бунда, энг аввало, Ўзбекистон Президентини раҳбарлиги ва ташаббуси билан давлат бошқаруви ҳамда фуқаролик жамиятининг кучли институтига эга демократик институтларга эга бўлишига қараб, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва ўзгаришларнинг аниқ натижалари инобатга олинди.

Ушбу маком ЕИ мамлакатларидан бўлган инвесторлар ва хусусий сектор вакилларига Ўзбекистонда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кучли туртки беради. Қолаверса, мамлакатимиз ҳамда ЕИ давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш ва жадал ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратлади.

Ўзбекистонга нисбатан «GSP+» преференциялар тизими мамлакатнинг COVID-19 инқирозидан тикланиш даврида, яъни айни вақтда қўлланилмоқда.

Тизимга аъзолик қандай имкониятлар беради?

Шу ўринда савол туғилади: «GSP+» тизимига аъзолик Ўзбекистонга нима беради?

Гап шундаки, «GSP+» қамраб олаётган маҳсулот линияларининг учдан икки қисмига нисбатан тарифлар тўлиқ бекор қилинади. Шу орқали стандарт «GSP+»га нисбатан қўшимча иқтисодий имтиёзларга эга бўламиз. Бу эса, ўз навбатида, экспорт ҳажми ўсиши

кўпайишига олиб келиши мумкин. Шундай экан «GSP+» оддий савдо воситасидан муҳим ва долзарб эканлиги янада ойдинлашади. Ўз навбатида, «GSP+» тизимига қўшилиётган давлатлардан муайян шартларни бажариши талаб этилади. Инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий меҳнат стандартлари соҳасида 16 та, афро-муҳитни муҳофаза қилиш ва самарали бошқаруш соҳасида 11 та — жами 27 халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳамда уларни самарали амалга ошириш зарур бўлади.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ЕИ бозорига нисбатан яқинлиги қарамай, савдо салоҳиятидан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. ЕИ мамлакатимиз экспорт йўналишлари рўйхатида фақат еттинчи ўринда туриши ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Салоҳият ва мажбуриятни уйғунлаштириш вақти келди

Маълумки, Ўзбекистоннинг ЕИ бозорига нисбатан яқинлиги қарамай, савдо салоҳиятидан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. ЕИ мамлакатимиз экспорт йўналишлари рўйхатида фақат еттинчи ўринда туриши ҳам фикримизнинг тасдиғидир.



ва мамлакатга қўшимча инвестициялар жалб этилишига хизмат қилиши мумкин.

Зеро, Ўзбекистонда «GSP+» доирасидаги имтиёزلардан фойдаланиш даражаси ҳозирги кунда 87 фоизни ташкил қилади. Кўрсатилган имтиёزلардан фойдаланаётган маҳсулот сегментлари, асосан, тўқимачилик ва кийим-кечак, пластмасса маҳсулотлари, шунингдек, мевалар, ёнроқ ҳамда сабзавотлардир. Бу Марказий Осиёдаги қўшниларга қараганда Ўзбекистон экспорт тарихи анча хилма-хил эканини кўрсатади. «GSP+» тизими матолар,

диғидир. Шундай экан «GSP+» оддий савдо воситасидан муҳим ва долзарб эканлиги янада ойдинлашади. Ўз навбатида, «GSP+» тизимига қўшилиётган давлатлардан муайян шартларни бажариши талаб этилади. Инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий меҳнат стандартлари соҳасида 16 та, афро-муҳитни муҳофаза қилиш ва самарали бошқаруш соҳасида 11 та — жами 27 халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳамда уларни самарали амалга ошириш зарур бўлади.

Махсус регламента мувофиқ, «GSP+» дастурига аъзоларнинг ана шу мажбуриятлари ижроси

доимий кузатиб борилади. Демак, Ўзбекистоннинг «GSP+» бенефициари сифатида қабул қилиниши ҳам иқтисодий-иқтисодий ва меҳнат соҳасидаги ислохотлар ҳамда илчил ижобий ривожланиши акс эттириб туради.

Умуман олганда, Ўзбекистон учун ташқи савдо алоқаларида янги имкониятларнинг очилаётгани, пандемия шартларида экспорт қўламини кенгайтириш бўлаётгани олиб бораётган ислохотларнинг амалдаги инъикосидир. Бунда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси «Ешларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш катта роль ўйнамоқда.

Ушбу Давлат дастурида ЕИнинг «GSP+» тизими доирасидаги имтиёزلарни мамлакатимизда самарали қўллаш учун кенг қўламли дастур ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бу борада муҳим ижобий ўзгаришлар қайд этилмоқда.

Шуларга мувофиқ равишда ҳукумат, хусусан, Ташқи ишлар халқаро Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари томонидан потенциал харидорлар, савдо тармоқлари билан доимий равишда икки томонлама музокара олиб борилапти. Ва бу жараёнлар узлуксиз давом эттирилади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади ҳамда жаҳон сийёси ва иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёнларини тезлаштиради. Янги Ўзбекистоннинг ҳақ манфаатларига хизмат қиладиган ташқи сийёсатининг асосий мақсади ҳам шу аслида.

Убайдулло ҒАҒУРОВ, ТДУУ Фундаментал иқтисодийёт кафедраси профессори, иқтисодийёт фанлари доктори.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «GSP+» ТИЗИМИГА ҚЎШИЛИШИ МУҲИМ ВОҚЕАДИР

Европа мамлакатлари ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистон томонидан Европа Иттифоқининг «GSP+» бош имтиёзлар дастурининг бенефициар мамлакат макomini олгани ўзаро ҳамкорлик алоқалари учун рағбатлантирувчи омил бўлганини таъкидламоқда.

«Халқ сўзи» учун махсус



Фульвио Мартушелло, Европа парламенти депутати, Европарламентнинг Марказий Осиё ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси:

— Сўнгги йилларда Европа — Ўзбекистон муносабатлари янада кенгрок ва жадал тус олди. Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка алоҳида аҳамият бермоқда. Мамлакат ЕИнинг Марказий Осиёдаги муҳим шериги ҳисобланади ва минтақада етакчи давлатга эга.

— Сўнгги йилларда Европа — Ўзбекистон муносабатлари янада кенгрок ва жадал тус олди. Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка алоҳида аҳамият бермоқда. Мамлакат ЕИнинг Марказий Осиёдаги муҳим шериги ҳисобланади ва минтақада етакчи давлатга эга.

Ўзбекистон «GSP+» бенефициар макomini олиш бўйича ишларни 2020 йил бошида бошлаган эди. Ўтган йил июнь ойида ички мувофиқлаштириш жараёни тугайдан сўнг, Европа комиссияси расмий ариза топширилди. Европа Иттифоқи қондиларига кўра, ариза 6 ой давомда қўриб чиқилади, аммо Ўзбекистон ариза-си Европа комиссияси томонидан муддатидан олдин маъқулланди.

Ўзбекистон «GSP+» бенефициар макomini олиш бўйича ишларни 2020 йил бошида бошлаган эди. Ўтган йил июнь ойида ички мувофиқлаштириш жараёни тугайдан сўнг, Европа комиссияси расмий ариза топширилди. Европа Иттифоқи қондиларига кўра, ариза 6 ой давомда қўриб чиқилади, аммо Ўзбекистон ариза-си Европа комиссияси томонидан муддатидан олдин маъқулланди.


Европа комиссияси қарор қабул қилиш жараёнида мониторинг гуруҳларининг ҳисоботлари асосида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, меҳнат стандартлари, афро-муҳитни муҳофаза қилиш ва самарали бошқаруш бўйича 27 та халқаро конвен-

ция қондиларига риё қилаётгани тасдиқланди. Бу Европа Иттифоқининг «GSP+» макomini бериш учун асосий талабидир. Ўзбекистон ушбу конвенцияларни мувофиқлаштириш ратификация қилди ва улар бўйича ўз мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Мамлакат раҳбарияти миллий қўнчилиқни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

Тон Скотман, «ТСТ Агро» компанияси раҳбари (Нидерландия):

— Ўзбекистон Европа Иттифоқининг «GSP+» бенефициарига айлангани ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни янги даражага олиб чиқишда ҳал қилувчи аҳамият касб этишига ишончим комил. Бизнинг компаниямиз ҳам, ўз навбатида, Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириб, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга қўшаётган ҳиссасини оширишга имкониятлар кенгайтиришдан мамнунимиз. «ТСТ Агро» узоқ йиллардан буён Ўзбекистон бозорига фаолият юритиб, Европанинг илғор технологияларини жорий этиш, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, Европа билан ва таърибасини Ўзбекистон иқтисодийотининг турли тармоқларида тарқатишда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Шунингдек, бу нафақат Европа — Ўзбекистон муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, балки Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон халқларига фойда келтиради.



Ишончим комил, «GSP+» макomini нафақат Ўзбекистон, балки европалик ишбилармонлар учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиб берди. Хусусан, мамлакатнингиздаги ишлаб чиқариш имкониятлари, хоржий инвесторлар учун яратилган шартлар ва экспорт салоҳиятини инобатга оладиган бўлса, ишлаб чиқаришни Ўзбекистонга кўчириб, маҳсулот таннарининг арзонлиги ҳисобига уни ЕИ бозорига олиб келишни режа қилаётган тадбиркорлар қўнчилиқни ташкил этади. Энди улар Ўзбекистон билан янада самарали ҳамкорлик қилиши учун жуда катта қўшимча асос пайдо бўлди.



Франк Буврэн, «Cuir de Lagny» компанияси раҳбари, «Ўзбекистон — Франция» ишбилармонлик клуби вакили:

— Ўзбекистонни Европа Иттифоқининг «GSP+» тизимига қўшилиши билан таърибасини янада кенг қўламли ислохотларни амалга ошираётган Президент Шавкат Мирзиёевнинг сийёси йиродиси самарасидир. Мамлакатда барча соҳа, жумладан, иқтисодиёт, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат қўнчилиги ва афро-муҳитни муҳофаза қилишда ижобий ўзгаришларга эришилмоқда.

Ушбу келишув Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигини фаоллаштиришга ҳам ёрдам беради. Икки давлат ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Европага биринчи ташрифи айнан Францияга бўлгани ҳам бунинг далилидир. Шунингдек, Франция фуқароларининг юртингизга кириши учун визасиз режим жорий этилди. Ушбу макомга эришиш Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш йўлидаги наватбадга муҳим қадами бўлди.

«Дунё» АА.

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТЕРМИЗДА БЕЛЛАШАДИ

Шу йилнинг 10-11 апрель кунлари Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентини саврини учун кураш бўйича анъанавий XV халқаро турнир ўтказилди. Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган ушбу турнирда мамлакатимиз вакиллари қаторида дунёнинг турт қитъасидан 27 давлатдан юздан зиёд полвонлар ўзаро куч синашди.

Спорт

Президентимизнинг ўтган йил 4 ноябрдаги «Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан бу йил ўн бешинчи мартаба ўтказилган кураш бўйича ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнири дунё полвонларини яна Алпомшлар юрти — Сурхондарёга чорлади.



Хорижлик меҳмонлар, мусобақа иштирокчилари Термиз халқаро аэропортида тантанали равишда кутиб олинди. Анъанага кўра, тадбирнинг ташкилий қўмити аъзолари, мутасаддилар, спортчи ҳамда мураббийлар ал-Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

— Дунёда спортнинг тури кўп, — дейди Халқаро кураш ассоциацияси президенти Хайдар Фармон. — Аммо ўзбек курашининг ўзига хос жозиба ҳамда оммавийлик аҳамияти беқиёс. Гарчи, курашнинг ватани Ўзбекистон бўлса-да, биз бу спорт турини жаҳон спорти сифатида янада оммалаштиришга эришмоқдамиз. Бунинг учун бизга яқиндан кўмак бераётган Ўзбекистон Президентини ва Ҳукумати-га алоҳида миннатдорлик билдираман.

Мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ доллари бўлган халқаро турнир беллашувлари қизгин тус олиб, бирин-кетин энг сара, тенгсиз полвонлар номи аниқланди. Бунда ҳалоллик, рақибга ҳурмат ва албатта, ҳаққонийлик асосий мезон бўлди.

Бу йилги халқаро турнирда мамлакатимиз шарафини 49 нафар полвон ҳимоя қилиб гиламга тушди. Халқаро турнирда эрақлар 60, 66, 73, 81, 90 килограмм ҳамда мутлак, аёллар эса 48, 57, 63, 70, +70 килограмм вазн тоифасида ўзаро беллашди. Ҳар бир вазнда биринчи ўрин учун 3 минг, иккинчи ўринга 2 минг, учинчи ўрин учун 1 минг АҚШ доллари билан пул мукофоти топширилди.

Кутилганидек, мутлак вазн бўйича беллашувлар дунёнинг энг номдор полвонла-

ри ўртасидаги ҳақиқий курашга, мураси-сиз баҳсларга сабаб бўлди. Ўз рақибла-рига имконият қолдирмай, финалгача етиб келган тожикистонлик Дадаҳон Курбоналиев ва ўзбекистонлик Мухсин Хосимиддинов ўзаро куч синашди.

Ҳукумат раҳбарлари кўра, мутлак вазн бўйича тенгсиз эканлигини исботлаган ҳамюртимиз Мухсин Хосимиддинов бош саврин — 10 минг АҚШ долларига сазовор бўлди. 2-ўринни эгаллаган Дадаҳон Курбоналиев 5 минг доллар, 3-ўринни қўлга кiritган ўзбекистонлик Яхё Имомов ҳамда тожикистонлик Нейматулло Арсланкулов-нинг ҳар бирига 3 500 АҚШ доллари миқ-доридаги саврин насиб этди.

Тантанали тақдирлаш маросимида Бош вазир ўринбосари Беход Мусаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Тура Боболов ва Халқаро кураш ассоциацияси президенти Хайдар Фармон иштирок этди.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»),
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ИП ЙИГИРУВ КОРХОНАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Нарпай туманининг Оқтош шаҳридаги собиқ «Зирабулоқ» таърибасини заводиди ҳудудда «Мароқанд сифат» масъулияти чекланган жамияти томонидан ип йигирув цехи ишга туширилди.

Бандлик

— Ҳитой давлатидан келтирилган замонавий дастгоҳларда бу ерда бир кунда 15 тонна калава ип тайёрланапти. — дейди иш юритувчи Фирдавс Жумоев. — Махсулотимиз ҳозирча ички бозорга сотилаётган бўлса, келгусида экспорт қилиш ниятидамиз. Шу мақсадда Покистон, Эрон, Туркия ва Тожикистон давлатлари вакиллари билан шартномадор имзо-ланиш арафасида.

Янги иш бошлаган корхонада 350 нафар йигит-қиз, асосан, «темир дафт-тар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»да рўйхат-да турувчи фуқаролар иш билан банд. Келгусида корхонада йи-гирилаётган калава ипдан шу ернинг ўзида мато тай-ёрлашни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган.

Абдуллош ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»),

УЙ-ЖОЙ УЧУН КРЕДИТЛАР ҚУЛАЙ ШАРТЛАРДА ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА

Молия муассасаларида

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Бинобарин, бугунги кунда жойларда замонавий қўп қаватли бинолар қад ростлаб, улар аҳолига арзон ва қулай ипотека шартлари асосида берилаяпти. Табиийки, бу жараёнда молия муассасалари ҳам фаол иштирок этиб, ўз хизматларини тақлиф қилмоқда.

Молия муассасаларида

Хусусан, «Ўзмиллийбанк» АЖ айни пайтда фуқароларга уй-жой учун «Янги тартиб» асосида ипотека кредитлари ажрат-моқда. 2020 йил 1 майдаги «Аҳолининг уй-жой шартларини яхшилаш ҳамда ипотека кре-дити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига асосан банкнинг бир-гина Бухоро вилояти филиали томонидан 17 фуқарога уй-жой харид қилиш учун 3,1 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли ипотека кредитлари ажратилгани бунинг тасдиғидир.



Бухоро вилоятининг Когон туманида ис-тикомат қилувчи уч фарзанднинг ота-она-си Дилшод Абдурахмонов ва Назира Шукурова шу имкониятдан фойдаланишди. — Уй-жойга эҳтиёжимиз бўлганини са-бабли ҳокимиятга қилган мурожаатимиз қаноатлантирилди, бизга субсидия ажрат-илди, — дейди Назира Шукурова. — Суб-сидия ҳақидаги хабарномани олгач, «Ўзмиллийбанк» АЖ Когон филиалига му-рожаат қилдик. Ўз навбатида, банк бизга 20 йил муддатда давлат томонидан тақ-дим этилган субсидия асосида 227 милли-он сўм миқдорда кредит ажратди. Янги уйга янги режалар ва бир олам орзу-ниятлар билан қадам қўйдик, яратилган шартлардан ҳам жуда мамнунимиз. Фуқароларга яна бир қулайлик сифа-тида хоҳишига кўра ипотека кредитлари-ни 6 ойлик имтиёзли давр билан аж-ратиб, тўловларни аннуйтет ёки диф-ференциал усулда амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга, Президентимиз-нинг 2020 йил 1 майдаги қарорига мувофиқ Анджион, Наманган ва Фар-гона вилоятларида жорий этилган жисмоний шахсларга акка тартибда-ги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредитларни ажратиш тарти-би бачна ҳудудда жорий этилиши белги-ланди. Бу эса ўз навбатида, банкнинг ушбу йўналишдаги ишлари янада фол-лаштиришга, одамларнинг эса уйли бў-лишига замин яратмоқда.

«Ўзмиллийбанк» АЖ **Матбуот хизмати.**
Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартада Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 260 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусахҳчи — С. Исмолов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.00 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6